

БУГУНГИ
СОНДА
ЎҚИНГ

Тадбиркорлар ноласи:
“Ундиройин дермисиз ё
сидиройин дермисиз?..”

Нахотки, Паркеншда шу давбатга "лаббай", деб жавоб берадиган бир мардум топилмаса?! **2** ▶



**ХАЁЛ АДАШСА ҲАМ,
АЁЛ АДАШМАСИН...**



Бу ерда ўтган кунларим бир умрлик сабоқ бўлди.

...Насиб бўлса, энди умримни фақат эзгу ишларга бағишлайман. **4** ▶



Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил


11 март

ЧОРШАНБА

№ 21 (13282)

@haqiqatonline

ЗАНГИ ТАЛИКЛАР ҲАМ “СИТИ” ДА ЯШАШАДИ



Бунёдкорлик

Шу кунларда йўли тушиб, Зангиота томонларга ўтган кишининг бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорликлардан ақли шошади. Туман марказида қад ростлаётган замонавий мажмуа – “Eshonguzar-SITU” ҳақиқатан ҳам худуднинг энг катта қурилиш майдонига айланган. Мутахассис ва қурувчилар 2020 йилнинг охиригача марказни тўлиқ қуриб, фойдаланишга топширишни мақсад қилишган. **2** ▶

**Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ**

**ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ТЎРТИНЧИ
СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Олтинчи чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг тўртинчи сессияси 2020 йил 11 март куни соат 11:00 да чақирилсин.

Вилоят ҳокими

Р. ХОЛМАТОВ

*Нурафшон шахри,
2020 йил 6 март*

**ЯНА БИР ЙЎЛЛАНМА
НАҚД**

Иорданиянинг Уммон шаҳрида бўлиб ўтаётган бокс бўйича саралаш мусобақаларида боксчиларимиз ғалабали юришларини давом эттирмакда. Қуни кеча бостонликлик спортчимиз Элнур Абдураимов австралиялик рақиби Харисон Гарсайдни енгиб, Токио – 2020 Олимпиада уйинларига йўлланишни қўлга киритди. **Кушхабар**

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 март куни қабул қилинган “8 март – Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, бир гуруҳ хотин-қизлар юксак унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди. Улар орасида вилоятимизнинг фидойи, ишжаотли аёллари борлиги барчамизни қувонтиради, албатта. Сиз уларни яхши танийсиз:

Кутлов

Озода ПАРПИБАЕВА,
Тошкент вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, “Меҳнат шухрати” ордени соҳибаси:

– Давлатимизнинг юксак мукофотиغا муносиб кўрилганим нафақат мен, балки барча вилоятимиз аёллари учун катта рағбатдир. Шу билан бирга, хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузи кун сайин ошиб бораётганининг ҳам ифодаси бу.
Бугун юртимизда хотин-қизларга муносабат бутунлай



ўзгарган. Мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларидаги хонадонларда яшаётган опа-сингилларимизнинг ҳаётини янада яхшилашга, уларнинг муаммоларини бартараф этишга ҳаракат қилимаяпти. Шунингдек, оғир шароитдаги аёлларга, но-

гиронлиги бўлган фуқароларга яқиндан ердан бериш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни ўқитиш, жамиятга қўшиш борасида тизимли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Айниқса, ёш қизларимиз тарбиясига алоҳида эътибор қаратсак, оилаларимиз янада мустаҳкам бўлади.

Ҳабарингиз бор, Президентимизнинг махсус фармони билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Ҳеч кимга сир эмас, илгари маҳалла ва хотин-қизлар идо-

раларига нисбатан талаблар кўп эди. Лекин, афсуски, бунинг учун уларда ваколат ва имкониятлар етарли эмасди. Бугунги кунда хотин-қизлар манфаатларини оила, маҳалла ва жамият манфаатларидан ажратган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Ана шу масалаларни комплекс ҳал этиш, бу борада давлат сиёсатини янада юқори босқичга кўтариш – янги вазирлиқнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Менга берилган мукофот шу вазифаларни сидқидилдан бажаришга ундайди.

**Моҳинур
ЖАЛОЛОВА,**
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти
совриндори:

– Ҳаракат қилган, илм олган, ўз устида ишлаган одам, албатта, эътиборга тушаркан. Мен уч йил дегаанда

Изҳор

мазкур мукофот совриндори бўлдим. Бу мукофот зиммамга катта масъулият юклайди. Энди янада кўпроқ илганишим керак. Дугоналарим, опа-сингилларимга тилакларим шуки, давлатимизга керакли инсон, фидойи ўзбек аёли бўлишлари учун бор маҳоратларини ишга солишсин. Ана шунда олий ўрин ва мукофотларга эришадилар. **Изаҳ**



Дарвоқе

Ипак – башариат тарихида қадим-қадимдан нодир ва қимматли маҳсулот ҳисобланган ва юксак қадрланиб келинган. Жаҳон тарихида “Буюк Ипак йўли” бўлганлигининг ўзидек унинг инсоният ҳаётидаги ўрни ва мавқеини кўрсатиб турибди.



ПИЛЛАЧИНИНГ КОСАСИ ҚАЧОН ОҚАРАДИ?



Яхши эслайман, ўтган асрнинг 70-йиллари отам чўпонликдан эндигина деҳқончиликка ўтиб, сувчилик кетмонини қўлга олган кезлар. Даврнинг ёзилмаган қонун-қоидаларига кўра, гўза сугорадиган сувчи-колхозчилар ҳар йили сўзсиз ипак қурти боқишга мажбур эдилар.

Пилла қурти боққан мардум ҳамма ишни ўзи бажарар: тут кесар, барг ташир, куртларни кунига 5-6 маҳал озиклантирар; етилгач, хосилини ўзи терар, қорхонага ўзи топширар эди.

Бу мажбуриятлар ичида ўзи яшаб турган уйининг қайсидир хоналарини қуртхонага айлантириб, мавсум тугагач, уни ўзи таъмирлашга мажбур қилинар,

олинадиган ҳақ арзимасган бўлганлиги учун кўпчилик ўша қуртхоналарини таъмирлаб ҳам ўтирмай, яшайверардилар.

Бу жараёнларнинг барчаси бир-бирдан машаққатли кечардики, ҳеч муболағасиз, мавсумнинг ҳар бир куни ҳафта ёки ояга татигулик эди... **3** ▶

